

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси

## **Қурилиш ташкилотларида асосий воситалар таҳлили**

(Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ мисолида)  
ма в з с и да ги

## **К У Р С И Ш И**

Бажарди: 4 курс, БХА 4/1 гуруҳ талабаси Юнусов Дониёр

Курс иши раҳбари: и.ф.н. М.Хожибоев

Андижон – 2012

## **Режа:**

### Кириш

1. Қурилиш ташкилотларида асосий воситаларни таҳлил қилишнинг аҳамияти ва вазифалари
2. Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи курсаткичлар тизими.
3. Асосий воситлар самарадорлигини дастлабки тахлили.
4. Асосий воситлар самарадорлигини динамикаси тахлили.
5. Асосий воситалар самарадорлигини омилли тахлили
6. Қурилиш ташкилотларида асосий воситалар самарадорлигини махсулот хажмига таъсири тахлили

### Хулоса ва таклифлар

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## Кириш

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг сифатини яхшиланиши билан бирга уларни таннархини камайтириш орқали айланма маблағларни айланишини бир маъромда боришини таъминлайди. Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган махсулотларни харидоргир булиши билан бирга молиявий натижаларни ижобийлигини таъминлаш мумкин булади.

“Олдимизга қўйилган бундай мақсадларга эришиш, аввало, ўз имконият ва ресурсларимизни қай даражада сафарбар етишимизга, ҳамон катта хавфи сақланиб қолаётган инқироз оқибатларини бартараф етиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни сўзсиз бажаришни нечоғлик таъминлай олишимизга боғлиқ”<sup>1</sup>

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар билан таъминланганликни, уларнинг яроқлилигини, ҳамда улардан самарали фойдаланиш билан бирга асосий воситалар самарадорлигини ошириш бугунги куннинг талаби ҳисобланади. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, бугунги кунда «Қурилиш ташкилотларида асосий воситалар таҳлили» мавзуси долзарб мавзулардан бири булиб ҳисобланади.

Асосий воситаларни таҳлил қилишнинг мақсади, асосий воситаларни таҳлил қилиш услубини ишлаб чиқиш, уларни ҳолатини баҳолаш ва уларни самарадорлигини ошириш имкониятларни аниқлаш орқали келгусида мавжуд асосий воситалардан унумли фойдаланишдан иборатдир.

Ушуб мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар бажарилди:

---

<sup>1</sup> Президент Ислам Каримовнинг 29.01.2010 йилдаги 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

- Қурилиш ташкилотларида асосий воситаларни таҳлил қилишнинг аҳамияти ва вазифалари.
- Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи курсаткичлар тизими.
- Асосий воситлар самарадорлигини дастлабки тахлили.
- Асосий воситлар самарадорлигини динамикаси тахлили.
- Асосий воситалар самарадорлигини омилли тахлили
- Қурилиш ташкилотларида асосий воситалар самарадорлигини махсулот хажмига таъсири тахлили

Курс ишининг назарий ва услубий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солувчи Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Молия Вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи услубиёти бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлари ҳисобланади. Шу билан бир қаторда хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг бухгалтерия ҳисоби, молиявий ва бошқарув тахлили ҳамда аудитни ривожлантиришга бағишланган илмий ишлари, илмий мақолаларидан кенг фойдаланилди.

Курс ишининг амалий объекти бўлиб, Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ ҳисобланади ва ишда унинг молиявий ҳисоботидаги иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Курс ишининг аҳамияти катта бўлиб, ўқувчига мавзу бўйича назарий ҳамда амалий маълумотларга эга бўлиш имкониятини яратади.

## 1. Қурилиш ташкилотларида асосий воситаларни таҳлил қилишнинг аҳамияти ва вазифалари

Бозор иқтисодиётига ўтиш фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва сифатини оширишда асосий воситаларнинг аҳамияти каттадир. Субъектлар асосий воситалар ёрдамида маҳсулот яратадилар ва истеъмолчиларга тақдим этадилар.

Асосий воситалар тўғрисида тушнчага эга бўлиш учун йўриқнома ва олимларнинг фикрини келтирсак.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2000 йил даги қарори билан иш ҳақи минимумининг 50 баробарида қилиб белгиланган. Асосий воситаларнинг хизмат муддати уларнинг бир йилдан ортиқ муддат хизмат этишини характерлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 5-сонли "Асосий воситалар" деб номланган БҲМСда - «Асосий воситалар - ташкилот томонидан узок муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар», - дейилган

М. Умарова, У. Эшбоев, К. Ахмаджоновлар томонидан ёзилган «Бухгалтерия хисоби» китобида: «Асосий воситалар – бу моддий ишлаб чиқариш соҳасида ва ишлаб чиқаришга талукли булмаган соҳада узок муддат давомида (бир йилдан ортиқ) хизматда буладиган ҳамда ижарага топширилиб ҳам фойдаланиладиган моддий активлардир» деб асосий воситалар таърифи келтирилган (М. Умарова, У. Эшбоев, К. Ахмаджонов «Бухгалтерия хисоби» Тошкент – «УАЖБНТ» Маркази – 2004 йил 175-бет).

Бозорга олиб чиқилган маҳсулотларни сифатини ошириш билан бир қаторда таннарҳини камайтириш учун мавжуд асосий воситалардан самарали фойдаланишни амалга ошириш керак. Асосий воситалардан фойдаланишда

ички имкониятларни аниқлаш учун асосий воситаларни таҳлилини йўлга қўйиш керак.

Маълумки, асосий воситаларни таҳлил қилишнинг зарурати, уларни ҳолати, улар билан таъминланганлиги, фойдаланиш самарадорлиги даражалари қандай эканлигини аниқлашдан иборат.

Таҳлилда корхоналарда асосий воситаларнинг мавжудлиги ва уларнинг ҳолатига, асосий воситалар билан таъминланганлигига, ҳамда уларнинг асосий воситаларнинг самарадорлигига баҳо берилади.

Корхонада мавжуд бўлган асосий воситаларнинг самарадорлигини омилли таҳлил қилиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлиб, асосий воситаларнинг самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг таъсири аниқланади. Асосий воситаларнинг самарадорлигига қайси омиллар ижобий ва қайси омиллар салбий таъсир этганлиги аниқланади.

#### Асосий восит

Асосий воситаларни таҳлил қилишнинг аҳамияти катта бўлиб, уни амалга ошириш натижасида ташкилотдаги асосий воситалардан унумли фойдаланишни ва фойда курсаткичларини юқори булишини таъминлайди.

Асосий воситаларни таҳлил қилишнинг энг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- хўжалик субъектларининг асосий воситалар билан етарли даражада таъминланганлик ҳолатига баҳо бериш;
- асосий воситаларнинг таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;
- корxonанинг асосий воситалар билан таъминланганлик ҳолатини яхшилаш бўйича мавжуд имкониятларни аниқлаш ва уларга баҳо бериш;
- асосий воситаларнинг техник ҳолатига баҳо бериш;
- асосий воситаларнинг ҳаракат курсаткичларини ўрганиш ва уларга баҳо бериш;
- асосий воситалардан самарали фойдаланганлик даражаларига баҳо бериш;

- ходимларнинг асосий воситалар билан қуролланганлик даражаларига баҳо бериш;

- асосий воситалар самарадорлигини ошириш бўйича мавжуд имкониятларни кўрсатиб бериш ва ҳоказо.

асосий воситаларни таҳлил этиш учун асосий ахборот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг бизнес режа маълумотлари;
- «Бухгалтерия баланси» (1-шакл);
- «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги» ҳисобот (3-шакл);
- бухгалтерия ҳисобининг асосий воситалар ҳисобга счётлари.

## 2. Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи курсаткичлар тизими.

Асосий воситалардан фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигига баҳо бериш молиявий таҳлилнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- асосий воиталарнинг фонд қайтими;
- асосий воситаларнинг фонд сигими;
- машина ва ускуналар қайтими;
- машина ва ускуналар сигими.

Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи курсаткичлар топиш учун қуйидаги формулалардан фойдаланамиз:

Асосий воиталарнинг фонд қайтими (Q) ни топиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини асосий воситаларнинг уртача йиллик қийматига бўлинади. Яъни:

$$Q = \frac{H}{A}$$

Бу ерда:

H - ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

A – асосий воситаларнинг уртача йиллик қиймати.

Асосий воситаларнинг фонд қайтимининг маъноси бир сумлик асосий восита ҳисобига неча сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини билдиради. Бу курсаткичнинг ортиши ижобий бўлиб, камайиши салбийлашувини билдиради.

Фонд қайтими (сигими) ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар бўлиб:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг ўзгариши;
- асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматини ўзгариши.



Асосий воситаларнинг фонд сигими (S)ни топиш учун асосий воситаларнинг уртача йиллик қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига булинади. Яъни:

$$S = \frac{A}{H}$$

Бу ерда:

A – асосий воситаларнинг уртача йиллик қиймати;

H - ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми.

Асосий воситаларнинг фонд сигимининг маъноси бир сумлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур булган асосий воситалар қийматини билдиради. Бу курсаткичнинг ортиши салбий булиб, унинг камайиши ижобийлашувини билдиради.

Фонд сигими ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар бўлиб:

- асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматини ўзгариши.
- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг ўзгариши;

Машина ва ускуналар кайтими (K)ни топиш учун жами ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини машина ва ускуналарнинг уртача йиллик қийматига булинади. Яъни:

$$K = \frac{H}{U}$$

Бу ерда:

H - ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

U – машина ва ускуналарнинг уртача йиллик қиймати.

Машина ва ускуналар кайтимининг маъноси бир сумлик машина ва ускуналар ҳисобига неча сумлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкинлигини билдиради. Бу курсаткичнинг ортиши ижобий булиб, камайиши салбийлашувини билдиради.

Машина ва ускуналар сургими (С)ни топиш учун машина ва ускуналарнинг уртача йиллик кийматини жами ишлаб чикарилган махсулот хажмига булинади. Яъни:

$$C = \frac{U}{H}$$

Бу ерда:

U – машина ва ускуналарнинг уртача йиллик киймати;

H - ишлаб чикарилган махсулот хажми.

Машина ва ускуналар сургимининг маъноси бир сумлик махсулот ишлаб чиқариш учун неча сумлик машина ва ускуналар кераклигини билдиради. Бу курсаткичнинг ортиши салбий булиб, камайиши ижобийлашувини билдиради.

Асосий воситалар самарадорлигини тахлил килишда курсаткичлар мос равишда таккосланади ва усиш ёки бажарилишига бахо берилади. Асосий воситалар самарадорлигини динамик тахлил килишда камида уч йиллик курсаткичлар таккосланади. Динамик тахлил килишда занжирли боғланиш усулидан ёки базисли усулдан фойдаланиш тавсия килинган. Тахлил жараёнида омилли тахлил килиш хам мақсадга мувофик булиб, самарадорликни узгаришига омилларни таъсири урганилади.

Тахлил антижасида аниқланган ички имкониятларни амалиётга тадбик этиш чоралари курилади.

### 3. Асосий воситлар самарадорлигини дастлабки тахлили.

Асосий воситаларнинг самарадорлигини дастлабки тахлилини амалга оширишда утган йилдаги самарадорлик курсаткичлари билан ҳисобот йилидаги самарадорлик курсаткичларини абсолют ва нисбий фарқларига баҳо берилади. Шунингдек ташкилотда асосий воситалар самарадорлиги буйича тузилган бизнес режанинг бажарилишига ҳам баҳо берилади.

Куйидаги 1-жадвалдан фойдаланиб Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да асосий воситаларнинг самарадорлик курсаткичларини утган йилга нисбатан узгаришини тахлил киламиз.

1-жа д в а л

Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да асосий воситаларнинг самарадорлик курсаткичлари тахлили

(сум ҳисобида)

Курсаткичлар	2008 йил	2009 йил	Фарқи (+;-)	Узгариши %
Маҳсулот ҳажми	5091257	9172528	+4081271	180,16
Асосий воситаларнинг уртача йиллик қиймати	2168166	2259416	+91250	104,21
Асосий воситаларнинг фонд қайтими	2,35	4,06	+1,71	172,77
Асосий воситаларнинг фонд сигими	0,43	0,25	-0,18	58,14

1-жадвал маълумотларидан куришиб турибдики, Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да 2009 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 2008 йилга нисбатан +4081271 минг сумга ортган бўлиб, 180,16% узгарган. 2009 йилда фойдаланилган асосий воситаларнинг уртача йиллик қиймати 2259416 минг сум бўлиб. Утган йилдагидан +91250 минг сумга ортган. Асосий воситаларнинг фонд қайтими 2009 йилда 4,06 сум бўлиб 2008

йилдагидан +1,71 сумга ортган. Асосий воситаларнинг фонд сизими ҳам уз навбатида 2009 йилда 0,25 сум булиб, 2008 йилдагидан -0,18 сумга камайган. Хулоса килиб айтиш мумкинки, асосий воситаларнинг фонд кайтимининг ортиши Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да асосий воситалар самарадорлиги ортиб бормокда.

Асосий воситалар самарадорлигини тахлил килганда машина ва ускуналар самарадорлигини тахлил килиш ҳам мақсадга мувофикдир. Куйидаги 2- жадвал маълумотларидан фойдаланиб, Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ буйича 2009 йилда машина ва ускуналар самарадорлигини тахлил киламиз.

## 2-жадвал

Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да машина ва ускуналар самарадорлиги тахлили

(сум хисобида)

Курсаткичлар	2008 йил	2009 йил	Фарқи (+;-)	Узгариши %
Махсулот хажми	5091257	9172528	+4081271	180,16
Машина ва ускуналарнинг уртача йиллик киймати	838260	957426	+119166	114,22
Машина ва ускуналарнинг фонд кайтими	6,07	9,58	+3,51	157,83
Машина ва ускуналарнинг фонд сизими	0,16	0,10	-0,06	62,50

2-жадвал маълумотларидан куришиб турибдики, Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да 2009 йилда машина ва ускуналарнинг уртача йиллик киймати 957426 минг сум булиб, 2008 йилдагидан +119166 минг сумга ортган. Бу узгариш 114,22%ни ташкил этган. Машина ва ускуналар кайтими 2009 йилда 9,58 сум булиб, 2008 йилдагидан +3,51 сумга ортган.

Машина ва ускуналарнинг сизими 2009 йилда 0,10 сум булиб, 2008 йилдагидан -0,06 сумга камайган.

Хулоса килиб айтиш мумкинки, Машина ва ускуналар кайтимини ортиши, ҳамда машина ва ускуналар сизимининг камайиши уларнинг самарадорлигини ижобий эканлигини курсатади.

Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖда аосий воситаларнинг самарадорлигини яхши деб бахолар эканмиз, бу ташкилотнинг келгусида молиявий натижаларини ижобий булиши билан бирга ишлаб чиқарилаётган махсулотлар таннархини камайиши прогноз килиш мумкин. Бу ташкилотнинг акцияларига ҳам ҳисобланадиган дивидендларни келгусида ортиши мумкинлиги куруниб турибди.

#### 4. Асосий воситлар самарадорлигини динамикаси тахлили.

Асосий воситалар динамикасини тахлил қилганда, қатор йиллар давомидаги узгаришларга баҳо берилади. Бу йиллар тоқ йиллар булиб, энг қамида уч йил, беш йил ва етти йил булиши мумкин.

Қуйидаги 3-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖнинг асосий воситалари самарадорлигини динамик тахлил қиламиз.

3-жадвал

Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖда асосий воситалар самарадорлигини динамикаси тахлили

(сум ҳисобида)

курсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2008 йилдан фарқи	2007 йилдан фарқи
Маҳсулот ҳажми	3067423	5091257	9172528	+4081271	+6105105
Асосий воситаларнинг уртача йиллик қиймати	1634524	2168166	2259416	+91250	+624892
Асосий воситаларнинг фонд қайтими	1,88	2,35	4,06	+1,71	+2,18
Асосий воситаларнинг фонд сизими	0,53	0,43	0,25	-0,18	-0,28

3-жадвал маълумотларидан қуриниб турибдики, Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да 2009 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 2008 йилга нисбатан +4081271 минг сумга ортган булиб, 2007 йилдагидан +6105105 минг сумга ортган. 2009 йилда фойдаланилган асосий воситаларнинг уртача йиллик қиймати 2259416 минг сум булиб, 2008 йилдагидан +91250 минг сумга ва 2007 йилдагидан +624892 минг сумга

ортган. Асосий воситаларнинг фонд кайтими 2009 йилда 4,06 сум булиб 2008 йилдагидан +1,71 сумга, 2007 йилдагидан +2,18 сумга ортган. Асосий воситаларнинг фонд сизими ҳам уз навбатида 2009 йилда 0,25 сум булиб, 2008 йилдагидан -0,18 сумга ва 2007 йидагидан -0,28 сумга камайган.

Хулоса килиб айтиш мумкинки, асосий воситаларнинг фонд кайтимининг йилдан йилга ортиши Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да асосий воситалар самарадорлиги ортиб бормокда.

Асосий воситалар динамикасини тахлил килганда, машина ва ускуналар самарадорлиги динамикасини тахлил килиш мақсадга мувофик булиб, катор йиллар давоми машина ва ускуналар самарадорлигини узгаришларига баҳо берилади.

Куйидаги 4-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖнинг машина ва ускуналар самарадорлигини динамик тахлил киламиз.

4-жадвал

Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖнинг машина ва ускуналар самарадорлигини динамикаси тахлили

(сум хисобида)

курсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2008 йидан фарки	2007 йидан фарки
Махсулот хажми	3067423	5091257	9172528	+4081271	+6105105
Машина ва ускуналарнинг уртача йиллик киймати	645344	838260	957426	+119166	+312082
Машина ва ускуналарнинг фонд кайтими	4,75	6,07	9,58	+3,51	+4,83
Машина ва ускуналарнинг фонд сизими	0,21	0,16	0,10	-0,06	-0,11

4- жадвал маълумотларидан куришиб турибдики, Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да 2009 йилда машина ва ускуналарнинг уртача йиллик киймати 957426 минг сум булиб, 2008 йилдагидан +119166 минг сумга, 2007 йилдагидан +312082 минг сумга ортган. Машина ва ускуналар кайтими 2009 йилда 9,58 сум булиб, 2008 йилдагидан +3,51 сумга, 2007 йилдагидан +4,83 сумга ортган. Машина ва ускуналарнинг сизими 2009 йилда 0,10 сум булиб, 2008 йилдагидан -0,06 сумга ва 2007 йилдагидан -0,11 сумга камайган .

Хулоса килиб айтиш мумкинки, Машина ва ускуналар кайтимини йиллар давомида ортиши, ҳамда машина ва ускуналар сизимининг камайиши уларнинг самарадорлигини ижобий эканлигини курсатади.



## 5. Асосий воситалар самарадорлигини омилли тахлили

Асосий воситалар самарадорлигини тахлил килганда, уларнинг узгаришига омиллар таъсирини куриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Натижада асосий воситалар самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш билан бирга бу курсаткични келгусида янада яхшилаш имкониятига эгу булиш мумкин.

Асосий воситаларнинг фонд кайтимини тахлил килиш учун занжирли боғланиш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Унга кура куйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta Q = Q_1 - Q_0 = \frac{H_1}{A_1} - \frac{H_0}{A_0} = \Delta Q_H + \Delta Q_A$$

Бу ерда:

$$\Delta Q_H = \frac{H_1}{A_0} - \frac{H_0}{A_0}$$

$$\Delta Q_A = \frac{H_1}{A_1} - \frac{H_1}{A_0}$$

Куйидаги 5-жадвал маълумотларидан фойдаланиб. Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да асосий воситаларнинг фонд кайтимини узгаришига омилларнинг таъсири баҳолаймиз.

Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да асосий воситаларнинг фонд  
кайтими омили таҳлили

(сум хисобида)

Курсаткичлар	2008 йил	2009 йил	Фарқи (+;-)
Махсулот хажми	5091257	9172528	+4081271
Асосий воситаларнинг уртача йиллик киймати	2168166	2259416	+91250
Асосий воситаларнинг фонд кайтими	2,35	4,06	+1,71
Асосий воситаларнинг фонд кайтими узгаришига махсулот хажмини узгаришини таъсири	2,35	4,23	+1,88
Асосий воситаларнинг фонд кайтими узгаришига асосий воситаларнинг уртача йиллик кийматини узгаришини таъсири	4,23	4,06	-0,17

5-жадвалдаги маълумотларни юқорда келтирилган формулаларга қуйиб, омилларни узгаришини асосий воситаларнинг фонд кайтими таъсири куриб чиқамиз.

$$\Delta Q_H = \frac{N_1}{A_0} - \frac{N_0}{A_0} = \frac{9172528}{2168166} - \frac{5091257}{2168166} = 4,23 - 2,35 = +1,88$$

Демак, Асосий воситаларнинг фонд кайтими +1,88 сумга ортишига махсулот хажмини +4081271 минг сумга узгариши уз таъсири курсатган.

$$\Delta Q_A = \frac{N_1}{A_1} - \frac{N_1}{A_0} = \frac{9172528}{2259416} - \frac{9172528}{2168166} = 4,06 - 4,23 = -0,17$$

Асосий воситаларнинг уртача йиллик кийматини +91250 минг сумга ортиши асосий воситаларнинг фонд кайтимини -0,17 сумга камайишига олиб келган.

Хулоса килиб айтиш мумкинки, мавжуд асосий воситалардан тулик фойдаланиш оркали асосий воситаларнинг самарадорлигини ошириш имкониятига эга булиш мумкин.

Асосий воситалар самарадорлигини омилли тахлил килишда машина ва ускуналар самарадорлигини тахлил килиш керак булади. Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да машина ва ускуналар самарадорлигини омилли тахлил килиш учун машина ва ускуналар кайтимини куриб чиқишни лозим топдик.

Куйидаги 6- жадвал маълумотларидан фойдаланиб, Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да машина ва ускуналар самарадорлигини омилли тахлил киламиз.

6-ж а д в а л

Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да машина ва ускуналар кайтимини омилли тахлили

(сум хисобида)

Курсаткичлар	2008 йил	2009 йил	Фарқи (+;-)
Махсулот хажми	5091257	9172528	+4081271
Машина ва ускуналарларнинг уртача йиллик киймати	838260	957426	+119166
Машина ва ускуналарнинг кайтими	6,07	9,58	+3,51
Машина ва ускуналарнинг кайтимини узгаришига махсулот хажмини узгаришини таъсири	6,07	10,94	+4,87
Машина ва ускуналарнинг кайтимини узгаришига машина ва ускуналарнинг уртача йиллик кийматини узгаришини таъсири	10,94	9,58	-1,36

6- жадвал маълумотлари асосида машина ва ускуналар кайтимини узгаришига махсулот хажмини узгаришини таъсирини куриб чикамиз.

$$\Delta K_H = \frac{N_1}{U_0} - \frac{N_0}{U_0} = \frac{9172528}{838260} - \frac{5091257}{838260} = 10,94 - 6,07 = +4,87$$

Демак, махсулот хажмини +4081271 минг сумга ортиши машина ва ускуналар катимини +4,87 сумга ортиги олиб келган.

$$\Delta K_U = \frac{N_1}{U_1} - \frac{N_1}{U_0} = \frac{9172528}{957426} - \frac{9172528}{838260} = 9,58 - 10,94 = -1,36$$

Машина ва ускуналарнинг уртача йиллик кийматини +119166 минг сумга узгариши машина ва ускуналар кайтимини -1,36 сумга камайишига сабаб булган.

Аосий воситаларнинг фонд кайтимини омилли тахлил килиш оркали, унинг узгаришига таъсир этувчи омилларни бахолаш имконияти тугилади. Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да асосий воситаларнинг самарадорлиги ижобий булганлигини хисобга олсак, яхши ҳолат. Ташкилотда асосий воситаларнинг фонд кайтимини ошириш имконияти мавжуд. Уйлаймизки кейинги фаолият давомида бу имкониятлардан фойдаланилади.

6. Қурилиш ташкилотларида асосий воситалар самарадорлигини маҳсулот ҳажмига таъсири таҳлили

Қурилиш ташкилотларида асосий воситалар самарадорлигини ошириш натижасида маҳсулот ҳажмини ошириш имкониятига эга бўлиш мумкин. Қуйидаги формула орқали маҳсулот ҳажмини узгаришига асосий воситалар самарадорлигини узгаришини таъсири аниқлаймиз.

Маҳсулот ҳажмини аниқлаш учун (Н) аниқлаш учун асосий воситаларнинг уртача йиллик қийматини асосий воситаларнинг фонд қайтимига қупайтириш орқали топамиз. Яъни:

$$H = A * Q$$

Бу ерда:

A – асосий воситаларнинг уртача йиллик қиймати.

Q – асосий воситаларнинг фонд қайтими

$$\Delta H = H_1 - H_0 = A_1 * Q_1 - A_0 * Q_0 = \Delta H_A - \Delta H_Q$$

**Бу ерда;**

$$\Delta H_A = A_1 * Q_0 - A_0 * Q_0$$

$$\Delta H_Q = A_1 * Q_1 - A_1 * Q_0$$

Қуйидаги 7-жадвал маълумотларидан фойдаланиб. Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да маҳсулот ҳажмини узгаришига омилларнинг таъсири баҳолаймиз.

Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да маҳсулот ҳажмини омилли  
таҳлили

(сум ҳисобида)

Курсаткичлар	2008 йил	2009 йил	Фарқи (+;-)
Асосий воситаларнинг уртача йиллик киймати	2168166	2259416	+91250
Асосий воситаларнинг фонд кайтими	2,35	4,06	+1,71
Маҳсулот ҳажми	5091257	9172528	+4081271
Маҳсулот ҳажмини узгаришига асосий воситаларнинг уртача йиллик кийматини узгаришини таъсири	5091257	5309628	+218371
Маҳсулот ҳажмини узгаришига асосий воситаларнинг фонд кайтимини узгаришини таъсири	5309628	9172528	+3862900

7-жадвал маълумотларидан қурииб турибдики, маҳсулот ҳажмини узгаришига асосий воситаларнинг уртача йиллик кийматини +91250 минг сумга ортиши ижобий таъсир курсатиб +4081271 минг сумга оширган. Асосий воситаларфонд кайтимини +1,71 сумга ортиши эса маҳсулот ҳажмини + 3862900 минг сумга ортиган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, асосий воситалар фонд кайтимини ортиши маҳсулот ҳажмини ортишига ката таъсир курсатган.

Қурилиш ташкилотларида машина ва ускуналар самарадорлигини ошириш натижасида маҳсулот ҳажмини ошириш имкониятига эга бўлиш мумкин. Қуйидаги формула орқали маҳсулот ҳажмини узгаришига машина ва ускуналар самарадорлигини узгаришини таъсири аниқлаймиз.

Махсулот хажмини аниклаш учун (Н) аниклаш учун асосий воситаларнинг уртача йиллик кийматини асосий воиталарнинг фонд кайтимига куйайтириш оркали топамиз. Яъни:

$$H = U * K$$

Бу ерда:

U – машина ва ускуналарнинг уртача йиллик киймати.

K – машина ва ускуналарнинг фонд кайтими

$$\Delta H = H_1 - H_0 = U_1 * K_1 - U_0 * K_0 = \Delta H_A - \Delta H_Q$$

**Бу ерда;**

$$\Delta H_A = U_1 * K_0 - U_0 * K_0$$

$$\Delta H_Q = U_1 * K_1 - U_1 * K_0$$

Куйидаги 8-жадвал маълумотларидан фойдаланиб. Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да махсулот хажмини узгаришига омилларнинг таъсири баҳолаймиз.

8-жадвал

Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да махсулот хажмини омилли тахлили

(сум хисобида)

Курсаткичлар	2008 йил	2009 йил	Фарки (+;-)
Махсулот хажми	5091257	9172528	+4081271
Машина ва ускуналарнинг уртача йиллик киймати	838260	957426	+119166
Машина ва ускуналарнинг фонд кайтими	6,07	9,58	+3,51

Маҳсулот ҳажмини узгаришига машина ва ускуналарнинг уртача йиллик қийматини узгаришини таъсири	5091257	5811576	+720319
Маҳсулот ҳажмини узгаришига машина ва ускуналарнинг фонд қайтимини узгаришини таъсири	5811576	9172528	+3360952

8-жадвал маълумотларидан қуриниб турибдики, маҳсулот ҳажмини узгаришига машина ва ускуналарнинг уртача йиллик қийматини +119166 минг сумга ортиши ижобий таъсир курсатиб +720319 минг сумга оширган. Машина ва ускуналар фонд қайтимини +3,51 сумга ортиши эса маҳсулот ҳажмини + 3360952 минг сумга ортирган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, машина ва ускуналар фонд қайтимини ортиши маҳсулот ҳажмини ортишига ката таъсир курсатган.



## Хулоса ва таклифлар

Хулоса килиб айтганда, асосий воситалар самарадорлигини тахлил килишда курсаткичлар мос равишда таккосланади ва узиш ёки бажарилишига баҳо берилади. Асосий воситалар самарадорлигини динамик тахлил килишда камида уч йиллик курсаткичлар таккосланади. Динамик тахлил килишда занжирли боғланиш усулидан ёки базисли усулдан фойдаланиш тавсия килинган. Тахлил жараёнида омилли тахлил килиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлиб, самарадорликни узгаришига омилларни таъсири урганилади.

Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖда асосий воситаларнинг самарадорлигини яхши деб баҳолар эканмиз, бу ташкилотнинг келгусида молиявий натижаларини ижобий бўлиши билан бирга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини камайиши прогноз килиш мумкин. Бу ташкилотнинг акцияларига ҳам ҳисобланадиган дивидендларни келгусида ортиши мумкинлиги қуриниб турибди.

Асосий воситаларнинг фонд қайтимини омилли тахлил килиш орқали, унинг узгаришига таъсир этувчи омилларни баҳолаш имконияти тугилади. Андижон шаҳар «Сигмастрой мантаж» МЧЖ да асосий воситаларнинг самарадорлиги ижобий бўлганлигини ҳисобга олсак, яхши ҳолат. Ташкилотда асосий воситаларнинг фонд қайтимини ошириш имконияти мавжуд. Уйлаймизки кейинги фаолият давомида бу имкониятлардан фойдаланилади.

Ташкилотда машина ва ускуналар самарадорлигини ортиши маҳсулот ҳажмини ортишига уз таъсирини курсатган бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини ортишини таъминлаган.